O'ZBEKISTON RESPUBLI... MILLIY ...

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 июль шанба

Сотувда эркин нархда № 150 (2978)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг

Қ А Р О Р И

2002 йилнинг I ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, жорий йилнинг I ярим йиллигида 2002 йилга белгиланган параметрлар ва вазифалар ҳамда 2001 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 1-сон протоколида назарда тутилган топшириқларнинг изчил амалга оширилиши таъминланди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (4,2%), саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш (7,2%) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш (4,5%), чакана товар айланмаси (8,3%) ва пулли хизматлар (12,7%) ҳажмлари ўсиши таъминланди, ташқи савдо балансида ижобий сальдога эришилди.

Қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши натижасида инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 2001 йил 1-ярим йиллигидаги 1,4 фоиздан 1,1 фоизгача пасайди. Биринчи ярим йилликда эмиссия натижаси бўйича 50 млрд. сўмдан ортиқ тежамкорлик ҳосил бўлди, муомаладан эса 15,2 млрд. сўм нақд пул маблағи чиқарилди.

Ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, алмаштириш курсини бирхиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Алмаштириш пунктларининг кенг тармоғи барпо этилди, алмаштириш пунктларида хорижий валютани сотиб олишда илгари амалда бўлган деярли барча чеклашлар олиб ташланди.

Ўзбекистоннинг 2002 йил 1 январдан 30 июнгача бўлган даврда иқтисодий ва молиявий масалаларга доир сиёсати бўйича республика ҳукумати билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ Мониторинг дастури қоидалари тўлиқ бажарилди.

Бошоқли экинлардан кейинги йилларда рекорд ҳосил йиғиштириб олинди, қарийб 4,7 млн. тонна дон етиштирилди. Деярли барча минтақалар давлат эҳтиёжлари учун дон хариди бўйича шартномалар бажарилишини таъминлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилмоқда. Ўқувчилар ўрни 215,5 минг бўлган янги типдаги 44 академик лицей ва 291 касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Умумтаълим мактаблари, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Дарсликларнинг янги авлоди тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. Республиканинг 56 олий ўқув юртларида педагог ва муҳандис-педагог кадрлар кенг тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, ердан ва сувдан фойдаланишга доир амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш, қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларига риоя қилмаслик ҳолларига ҳали ҳам барҳам берилмаган.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан, Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида — сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишлари қолоқлик билан олиб борилмоқда.

Қурилиш комплексини ислоҳ қилиш қониқарсиз бормоқда. Пудратчини танлаш юзасидан тендерлар ўтказиш қўпол қонун бузилишлари билан амалга оширилмоқда. Пудратчилар ва буюртмачилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажаришда расмиятчиликлар мавжуд.

Экспортнинг ярим йиллик прогнози атиги 96,6 фоизга бажарилган. 43 вазирлик, идора, уюшмадан 14 таси экспорт бўйича белгиланган топшириқларни уддалай олмади. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларини замонавийлаштиришга ва республика минтақаларини ривожлантиришга хорижий инвестициялар ҳали ҳам етарли жалб қилинмаяпти. 21 та туманда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилмаган.

Бюджет маблағларини сарфлашда қўпол бузилишлар, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, пул маблағларини ва моддий заҳираларни ноқонуний ўзлаштириш ҳоллари мавжуд. "Ўзбекчармпойабзали", «Ўзпаррандасаноат», "Озиқ-овқатсаноат", «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари, "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқурилишматериаллари" компаниялари тизимида зарар кўриб ишлаётган корхоналар, айниқса мулкида давлат улуши бўлган корхоналар улуши юқорилигича қолмоқда. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни банкрот деб эълон қилиш жараёни жуда секинлик билан олиб борилмоқда.

Республикага импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш, ички истеъмол бозорини ватанимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардошли товарлар билан тўлдиришни ташкил этиш ва уларни кенг реклама қилишга доир вужудга келган тизим тубдан ўзгартиришни талаб этади.

(Давоми 2-бетда).



Тандир тўлиб ёпилди нон...

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

"Ўзбекқўғозсаноат" уюшмасининг "Ўзбек қоғози" очиқ акциядорлик жамиятида бугунги кунда ўқувчилар дафтарлари, ёзув қоғозлари, картон маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Корхонанинг хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозлангани зарур миқдорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминламоқда. Жумладан, акциядорлик жамиятининг Янгийўлдаги қоғоз-целлюлоза фабрикасида Франциянинг "Clextral" корхонаси технологияси қўл келаётир.

Корхонада йил бошидан буён 2 миллиард 323 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 фоиз кўп демакдир.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВА (ЎзА).

ДЕМОКРАТИЯ ВА МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг демократик ҳуқуқий давлат қурилиши бизнинг бош вазифамизга айланди. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари етакчи ўринлардан бирини эгаллаши зарур. Бунинг учун улар давлат, жамоат тузилмалари, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар билан шуғулланувчи бошқа идоралар фаолияти тўғрисида холис ахборотдан янада кенгроқ фойдалана олиши керак. Миллий матбуот марказида ўтказилган "Матбуот хизматлари демократик ривожланишнинг янги босқичида" мавзуидаги семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда Ўзбекистон матбуот котиблари клуби аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистондаги барча ислоҳотлар асоси бўлган демократия тамойиллари, авваламбор, жамиятимизнинг очиқлигини, улар ҳақидаги ахборотдан кенг аҳоли оммаси фойдалана олишини назарда тутади, дея таъкидлади семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби Р.Жумаев. Бу фикр давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 июлдаги "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида алоҳида қайд этилган. Бугунги кунда деярли ҳар бир вазирлик, идорада, компанияда, республиканинг ҳар бир йирик корхонасида матбуот хизматлари ташкил этилган. Улар оммавий ахборот воситалари билан давлат ва нодавлат мақомига эга ташкилотлар ўртасидаги асосий боғловчи бўғин бўлиб, зиммаларига катта масъулият юкланган. Афсуски, улар фаолияти доим ҳам замон талабларига жавоб бераётгани йўқ. Улар журналистларга тақдим қилаётган ахборот холис, тўлиқ, маълумотларга бой, янги жамият қурилиши шароитида муқаррар камчиликлар яширилмаган бўлиши керак. Бундан ташқари, ахборотнинг ҳаққонийлиги турли миш-мишларнинг тарқалишига чек қўяди.

Семинарда шу нарса таъкидландики, матбуот хизматлари ходимлари учун ўзлари мансуб ташкилотлари фаолиятига оид соҳа мутахассислари бўлиш камлик қилади. Шу билан бирга улар ҳар томонлама билимли, ақлан етук, иқтисод, маънавиятмаърифат масалаларини ҳам яхши билишлари зарур. Журналистлар у ёки бу ташкилотнинг фаолиятига қачон эътибор қаратишини кутиб, қўл ковуштириб ўтириб бўлмайди. Улар мансуб ҳар бир ташкилот янги ҳаёт барпо этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ҳақда сўзлаб бериш, жамоатчиликни хабардор қилиш — матбуот хизматларининг бевосита вазифасидир.

Халқимиз бор-йўғи ўн бир йил аввал демократия йўлига қадам қўйди. Шу сабабли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, шу жумладан оммавий ахборот воситаларини ислоҳ килаётганда ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олиш даркор. Ўтган йили 27 мартдан 30 мартгача Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббусига кўра семинар-тренинг бўлиб ўтди. Уни АҚШ Халқаро республика институтининг коммуникациялар ва ташқи алоқалар бўйича вице-президенти, "Паблик рилейшнз" тизимида катта тажрибага эга бўлган Маргарет Салливан хоним бошқарган эди. Бу галги семинарда унинг "Масъулиятли матбуот хизмати: ичкаридан назар" номли янги китоби тақдимоти ўтказилди. Мазкур китоб дунёнинг турли мамлакатларида "Паблик рилейшнз" хизматлари фаолияти таҳлилига бағишланган. Шунингдек, унда оммавий ахборот воситалари, ҳукумат ва жамият ўртасида самарали алоқа механизмини яратиш борасида тавсиялар берилган.

— 11 сентябрда Нью-Йоркда рўй берган воқеалар мамлакатимизда "Паблик рилейшнз" тузилмаларининг ривожланишига катта туртки бўлди, — дея таъкидлади семинарда иштирок этган АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст. — Ўзбекистон Америка халқининг халқаро террорчиликка қарши курашини қўллаб-қувватлади. Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг, давлат ва жамоат ташкилотлар тегишли тузилмаларининг алоқалар учун очиқлиги жамиятингизнинг демократия барпо этиш сари қатъий интилаётганидан далолат беради. Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва ахборотнинг ошкоралиги жамиятни демократлаштиришнинг бош омилларидан бири саналади. Умид қиламанки, бу соҳада мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириб боради.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Ўқинг!

Агар Пифагордан тест олишганида ўқишга кира олармиди?

2-бет

— Менга тақалаётган бу гуноҳларда ўзимни айбдор ҳисобламайман...

3-бет

Фан оламида

Ўзбекистон Фанлар академияси "Замонавий информацион технологиялар" илмий-техник марказида "Кўзсиз кўриш" халқаро лойиҳаси доирасида янги қурилма яратилди. У кўзи ожиз кишиларга атроф-муҳитни аниқ тасаввур этишига ёрдам беради.

КЎЗСИЗ КЎРИШ МУМКИНМИ? МУМКИН!

Борлиқни кўриш имконияти инсон учун энг бебаҳо неъмат саналади. Мазкур мослама туғма ёки бирон бахтсиз ҳодиса туфайли кўзи ожиз бўлиб қолган кишилар мушкулини енгиллаштиришда асқотади. Халқаро лойиҳа доирасида АҚШ, Германия, Австрия каби дунёнинг етакчи давлатларининг йирик фирмаларида кўзи ожизлар учун ўнлаб асбоблар тайёрланган. Бироқ юртимиз олимлари яратган янги мослама ўзининг қудайлиги, соддалиги, хавфсизлиги билан эътиборлидир.

Қурилма кўзлардаги каби объективга эга бўлиб, ахборотни мияга узатади. Бошқача айтганда, асбоб ёруғликни товушга айлантириб беради. Ёруғлик ёки қоронғуликка қараб товуш ўзгаради. Натижада кўзи ожиз одамнинг мия қобиғида муайян предмет бўйича тасаввур ҳосил бўлади.

Жаҳонда муқобили йўқ ушбу мосламанинг синови муваффақиятли ўтди. Шу боис бу янгилик хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Спорт — миллат ғурури

«Осиё йўлбарслари»нинг одими

Далил ва рақамлар ҳамиша ҳақиқатни гапиради. Ҳаётнинг кўзгуси вазифасини ўтайди улар. Бугун ҳам шундай. Бугун ҳам далил ва рақамлар жамиятимизда юз бераётган ўзгаришларнинг бутун бўйбастини намоён этиб турибди.

Мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спортида эришилаётган натижаларнинг далил ва рақамларига қараб, қалбда ғурур туйғуси жўш уради. 2002 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида юртимиз спортчилари дунё миқёсидаги нуфузли мусобақалардан 112 та олтин, 117 та кумуш ва 134 та бронза медалларига мушарраф бўлишибди. Айтишга осон. Аммо ушбу 363 та медалнинг ортида қанчалар меҳнат, чекилган заҳматлар ётганлигини ҳис этиш лозим.

112 та олтин. Бу жаҳон бўйлаб бир юз ўн икки марта Ўзбекистонимиз мадҳияси янгради, байроғимиз сарбаланд бўлди деганидир. Қувонасан киши. Юракнинг туб-тубидан кеча Президентимиз айтган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», сўзлари вулқондек отилиб чиқмоққа чоғланади...

Шу ўринда боксчиларнинг Малайзияда бўлиб ўтган XXI Осиё чемпионатида 27 та давлат вакиллари орасида 5 та олтин, 3 та бронза медалларига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаши ўтган ярим йилнинг энг муҳим воқелиги бўлди. Мамлакатимиз боксчиларининг ушбу ғалабаси хусусида жаҳон ахборот воситаларида «Осиё йўлбарсининг одими», «Жаҳон рингидаги шарпа», «Ўзбекистон кучлими?» каби қатор мақолалар ёзилди.

Малайзиядан ғалабалар билан қайтаётган боксчиларни пойтахт аэропортида қаршилаш катта шодиёнага айланиб кетди. Олтин медаль соҳиблари Бекзод Хидиров, Бахит Сарсикбоев, Ўткирбек Ҳайдаров, Икром Бердиев, Рустам Саидовларнинг қучоқлари гулга тўлди.

— Бу бутун Ўзбекистонимизнинг ғалабаси. Тўй қилсак арзийдиган ютуқ. Қаранг, йигитларга, бири тошкентлик, бири Андижону Қашқадарёдан, яна бири Чирчиқдан, хуллас барчаси шу юрт фарзандлари. Улар Ватанимизни дунёга кўз-кўз этувчилардир. Улар бизнинг бугунги қаҳрамонларимиз — дейди федерация бош котиби А.Қодиров.

Ҳа, улар юрт спортининг дунё майдонидаги юлдузлари. Улар Ўзбекнинг куч-қудратини жаҳонга намоён қилаётганлар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир достон.

Бекзод Хидиров. Осиё чемпионатининг энг ёш иштирокчиларидан бири. 1981 йил туғилган. Бундан бир йил муқаддам пойтахтдаги «Динамо» спорт мажмуида Ҳабибулло Усмонов қўл остида шуғулланиб юрган йигитча Осиё чемпионатида ўз сўзини айтади, дейишганда кўпчилик ишонқирамаган эди. Худди шунингдек, бир неча йиллардан бери юрт шарафини ҳимоя этиб келаётган қашқадарёлик Икром Бердиев ҳам, айрим мураббийлар назарида, «уй боксчиси» ҳисобланарди. Қарангки, ишонч Икромни илҳомлантирди. У 81 кг. вазнда Осиёда тенгсиз эканлигини исботлади. Кечагина Ғазалкентдаги кичкина спорт мажмуида шуғулланиб юрган Бахит Сарсикбоев эса 63,5 кг.да ўз сўзини айтди.

Дунё бокс майдонида ўзбек спорти қуёшини чарақлатаётганлар 29 сентябрь — 14 октябрь кунлари Пусан шаҳрида ўтадиган Осиё ўйинларига ҳозирлик кўрмоқда. Ҳозирликдан мақсад Ватан спорти салоҳиятига муносиб улуш қўшмоқдир.

Тўлқин РЎЗИЕВ, Озод РАЖАБОВ.

Юртдошларимиз Президент Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузаси билан танишиб чиқиб янги марраларни кўзлашяпти.



БИЗ ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

Мухбирларимиз турли тармоқ мутасаддиларига «Сиз Президент маърузасидан қандай таассурот олдингиз?» деган савол билан мурожаат қилишди

Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси:

— Президентимиз ўз маърузаларида хорижий инвестиция оқимининг яхши эмаслиги тўғрисида жуда ўринли таъкидладилар. Мен шу муносабат билан тизимимизга қарашли фермерларга шундай демоқчиман: агар сиз ишлаб чиқариш қувватини кенгайтирмасангиз, эртанги кунда сизнинг ерингизга харидор, даъвогар пайдо бўлади. Шу маънода қишлоқ хўжалигига ҳам кўпроқ хориж сармояси келса, ишларимиз янада юришиб кетади.

Ҳозир айрим жойларда ширкат хўжаликлари ҳақида турли мулоҳазалар айтилмоқда. Бугунги ширкат хўжалиги эртага фермерлик шаклига ўтади, демак, бизнинг истиқболимиз йўқ экан-да, деган гаплар эшитилмоқда. Агар бундай кайфиятда яшалса, ишда ўзгариш бўлиши қийин. Ширкат хўжаликлари ҳам хориж инвестицияси олиб келиш, шу ҳисобдан ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳақида ўйлаши керак. Маҳсулотни қайта ишлаш, уни истеъмолчиларга етказиш каби жараёнлар ҳам хўжаликлар ихтиёрига ўтказилса, юқори натижага эришиш имкониятлари кенгаяди.

Январь ИНОЯТОВ, «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими кенгашининг раиси:

— Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлиси минбарида Америка давлати билан муносабатлар ҳақида гапирганларида қалбим чексиз ғурурга тўлди. Рост-да, ким ҳам ўйлабди дейсиз, XXI аср бошида Ўзбекистон Президенти ҳузурига Америкадай буюк давлатдан сенаторлар, конгрессменлар, давлат котиблари, ҳатто дунё иқтисодиётига ҳукм ўтказаётган молия вазирлари ташриф буюриб фикр алмашади деб. Ахир бу Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатига дадил кириб борганлиги белгиси эмасми?! Атиги беш ой ичида АҚШ сенаторларининг 40 фоизи Ўзбекистонга қадам қўйибди. Ахир улар бундан бир неча йил муқаддам бизнинг мамлакатимизни харитадан ҳам кўрсатиб беришолмасди-ку. Мана энди, жаҳоннинг атоқли менеджерлари Ўзбекистонда ислоҳотларнинг бошқарилиш услубларига қойил қолишяпти. Мен бу гапларни вилоятимиздаги оқсоқоллар даврасида фахр ва ғурур билан айтаман, улардан ана шундай ифтихорни ўсиб келаётган ёшларга сингдириб боришни сўрайман. Зеро, ўз миллати билан ғурурланиш ўзбекнинг азалий фазилати.

Шуҳрат КАРИМОВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Шартнома мажбуриятларининг масъулияти ҳақида Юртбошимиз алоҳида тўхталдилар. Ҳақиқатан ҳам, ички хўжалик шартномалари бажарилгандагина муваффақиятларимизни тўлиқ дейишимиз мумкин. Контрактация шартномаларининг бажарилмаслик сабаблари маърузада рўй-рост очиб берилди. Эндиликда масала моҳиятини жойларга бориб кенг тушунтиришга аҳд қилдик.

Маҳмуд КАРИМОВ, Тошкент вилоятидаги «Янгиобод» божхона пости бошлиғи, «Жасорат» медали соҳиби:

— Шу пайттача ҳукуматимизнинг республикамиз ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларни тўлиқ тушунаман, деб юргандим. Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасини тинглаганда ҳали бу сиёсат моҳиятини чуқур англамаганлигимни сездим. Президент мазкур масала юзасидан асосли ва ҳаётий фикрларни келтирганларида қанчалик масъулиятли вазифа зиммамизга юклатилганлигини ҳис қилдим. Гап чет элларга бориб мол олиб келадиган, майда тижорат билан шуғулланадигай фуқароларнинг фаолиятига қарши курашиш ҳақида эмас, балки ҳар қандай ҳуқуқий давлатда бўлгани каби, бу ишларни қонун қоидалар ва тартиблар доирасида олиб бориш хусусида кетмоқда. Халқимизга ўзимизники бўладими, хорижникими, бундан қатъий назар, ҳар жиҳатдан мақбул ва сифатли товарлар керак. Биз шунга кенг йўл очишимиз лозим.

Мухторжон ШОЖАЛИЛОВ, Ер ресурслари давлат қўмитасининг ердан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи:

— Ўтган куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз ўз маърузасида амалга оширилган ишлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам рўй-рост айтдилар. Табиий ресурслар, айниқса, ерни авайлаб асраш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида таҳқидий фикрларни билдирдилар. Дарҳақиқат, айни пайтда Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ердан фойдаланишда кўплаб камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Биз шу боис бу борада тарғиботташвиқот ишларини кучайтиряпмиз. Вилоят ва туман ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларини ердан фойдаланувчилар ўртасида тушунтириш мақсадида семинарлар ўтказяпмиз. Бундан буён ҳам бу ишларни янада кучайтириш талаб этилади. Токи, ер эгалари ўзини ернинг, етиштирган маҳсулотининг ҳақиқий хўжайини эканлигини ҳис қилсин.

Зулхумор МУСАЕВА, Тошкент шаҳридаги Қўйлиқ даҳасидан, тарбиячи:

— 18 июль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимизнинг маърузасида биздаги баъзи маҳсулотлар, шу жумладан «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси тизимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рекламаси йўқлигини, шу боис одамлар уларнинг сифати инсон саломатлигига қанчалик фойдаси борлиги тўғрисида етарли маълумотларга эга эмаслигини айтдилар. Ниҳоятда тўғри гап. Катта шаҳарларнинг ҳаммасида хориж мамлакатларида тайёрланган маҳсулотлар ҳақида ранг-баранг рекламалар мавжуд. Лекин ўзимизда етиштирилган мева-сабзавот, узум ва бошқа табиат неъматларидан тайёрланган маҳсулотлар рекламасини учратмадим.

Ахир, бу ишлар биринчи навбатда маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун керак-ку. Улар шу йўл билан маҳсулотларни тарғиб қиладилар. Бу ҳақда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раҳбарлари ўйлаб кўришса фойдадан холи бўлмасди.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг

Қ А Р О Р И

2002 йилнинг I ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари бир ҳафта муддатда ҳудудларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотларнинг боришини танқидий кўриб чиқсинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузасида олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагиларга:

«Ўзбекэнерго» (Шоисматов), «Ўзбекнефтгаз» (Сайдаҳмедов), «Ўзкимёсаноат» (Ҳасанов) компаниялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Тожиев), Жиззах (Яманқулов), Навоий (Рўзиев), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига — хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича ишларининг етарли эмаслиги;

«Ўзбекчармпойабзали» (Холмуродов), «Озиқовқатсаноат» (Холмуҳамедов) уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» (Акромов) ва «Ўзбекенгилсаноат» (Эргашев) компаниялари раҳбарларига — паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган, энг аввало мулкида давлат улуши бўлган корхоналарни тугатиш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига — уй-жой фондини газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш дастурини амалга оширишда қолоқликка йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Кўрсатиб ўтилган идоралар ва ҳудудий органлар раҳбарларининг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари 2002 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида эшитилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи банклар ва бошқа тузилмалар билан биргаликда бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг моддий-техника ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш, уларни зарур техника билан таъминлаш, майда улгуржи савдо ва сервиснинг кенг шохобчаларини яратиш, банк хизматлари кўрсатишни бутун чоралар билан кенгайтириш ва яхшилаш, кичик бизнес ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2002 йил якунлари бўйича ахборот берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Прокуратураси маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви масалаларида тартиб ўрнатилишини таъминласинлар. Бунда тадбиркорлар маблағларининг хайрия мақсадларига ва бошқа мақсадларга қонунга хилоф равишда жалб этилишига алоҳида эътибор берсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ахборот берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг табиий, минерал хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича махсус комиссияси (Тўлаганов) энг муҳим табиий хом ашё ва энергетика ресурсларидан тежамли, оқилона, эҳтиётлаб фойдаланиш, уй-жой фондини газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш масалалари юзасидан Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини танқидий кўриб чиқсин ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 2002 йил 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ахборот берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг, биринчи навбатда ширкатлар ва оилавий пудратчилар ўртасидаги ички хўжалик шартномалари бўйича мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар. Шартноманинг давлат харидлари ҳажмини кўпайтирган ҳолда ихтиёрий равишда қайта кўриб чиқилишига йўл қўймасликка, ҳар бир фермер ва оилавий пудратчининг шартнома бўйича ўзига тегишли бўлган маҳсулотни олишига алоҳида эътибор берилсин.

Ўз шартнома мажбуриятларини бажармаган хўжалик раҳбарларига нисбатан белгиланган тартибда қаттиқ жавобгардик чоралари кўрилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда айрим тоғли туманларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг аҳволини пухта ўрганиб чиқсин ҳамда уларни янада ривожлантириш истиқболлари, инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Жўраев) Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг типлари бўйича айланма маблағлар нормаларини ишлаб чиқсин ва хўжаликларга етказсин.

10. Экспорт имкониятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши (Ў.Т.Султонов) айрим хўжалик бирлашмалари ва корхоналар томонидан жорий йил биринчи ярим йилида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозининг бажарилмаганлиги сабабларини танқидий таҳлил қилсин ва 2002 йил учун белгиланган параметрларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

Маҳсулот экспорти прогнозининг бажарилиши масаласи 2002 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилсин.

11. Бош вазир Ў.Т.Султонов бир ой муддатда хорижий инвестициялар иштирокидаги айрим корхоналарнинг паст самаралилиги, шу жумладан инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари сифатсиз тайёрланаётганлиги, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда импорт улушининг юқорилиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган маркетинг ишланмаларининг йўқлиги, шериклар томонидан лойиҳалар босқичида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратнинг сустлиги сабабларини муфассал кўриб чиқсин ва хорижий сармояни жалб этган ҳолда ташкил этилган корхоналарнинг самарали ишлашини таъминлайдиган зарур чора-тадбирларни кўрсин. Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

12. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлаганов, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига лойиҳалаштирилаётган ва қурилаётган объектларни тўлиқ хатловдан ўтказсинлар;

пудрат ишларига тендерлар ўтказишда зарур тартиб ўрнатилишини, буюртмачилар ва пудратчилар томонидан пудрат шартномаси шартларига қатъий риоя қилинишини, қурилиш қиймати асоссиз равишда ошириб юборилишига ва маблағлар сочилиб кетишига, кредиторлик қарзи ҳосил бўлишига йўл қўйилмаслигини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда объектлар қурилишининг аҳволини тўлиқ хатловдан ўтказиш асосида қурилиш объектлари устуворлигини, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ва ижтимоий аҳамиятини, тугалланмаган қурилишлар ҳажмларини жиддий қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда 2003-2005 йиллар учун Инвестиция дастурини шакллантириш бўйича 2002 йил 1 ноябргача таклифлар киритсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2003 йил ва кейинги йиллар Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда бюджетга солиқлар олиш даражасини ошириш билан пасайтириб боришни назарда тутсинлар.

Вазирлар Маҳкамасига фойда солиғи ставкаларини ва умуман солиқ юкини қисқартириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда 2002 йилда ва 2005 йилгача бўлган даврда давлат харажатларини қисқартириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда харажатлар ҳажмлари ва таркибини мақбуллаштириш, давлат мақсадли фондлари маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатиш, молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтириш, бюджет ташкилотларининг бюджет ресурсларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш назарда тутилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда корхоналар ва хўжалик бирлашмалари активларида давлат иштирокини сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлиги аниқ мезонларини белгиласин ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарнинг давлат улушини республика фонд бозорида, шу жумладан хорижий инвесторларга қўшимча равишда сотиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги (Азимов), Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари барча давлат корхоналарини муфассал хатловдан ўтказсинлар ва жорий йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган давлат корхоналарини тугатиш, акциялаштириш ва уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш бўйича аниқ дастурни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда харажатлар ҳажмлари ва таркибини мақбуллаштириш, давлат мақсадли фондлари маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатиш, молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтириш, бюджет ташкилотларининг бюджет ресурсларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш назарда тутилсин.

Истиқболсиз ва зарар кўриб ишлаётган давлат корхоналарини тугатиш ишларининг бориши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

18. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (Саидова) мулкида давлат улуши бўлган истиқболсиз, зарар кўриб ишлаётган корхоналар банкротлиги жараёни фаолроқ ва қатъий амалга оширилишини, уларни фонд бозорида сотиш, энг аввало, хорижий инвесторларга сотиш учун белгиланган тартибда қўйилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий хўжалик суди, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида» қонун лойиҳасини киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси (Усмонов) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизда сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш чора-тадбирларини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар. Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2002 йил якунлари бўйича ахборот берилсин.

21. Реклама бўйича идоралараро кенгаш (Баҳромов), «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари, «Озиқовқатсаноат» уюшмаси, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг реклама қилиш комплекс тадбирларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва уларнинг амалга оширилишини таъминласинлар.

22. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш бўйича қолоқликнинг ўрнини тўлдириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 20 августигача ахборот берилсин.

23. «Ўзэлтехсаноат» (Умаров), «Ўзавтосаноат» (Парпиев), «Ўзагромашсервис» (Нишонов) уюшмалари, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти (Кучеров), «Мотор заводи» (Одилов) ва «Агрегат заводи» (Тен) корхоналари раҳбарларига ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бажарилмаганлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

Бош вазир Ў.Т.Султонов ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этишда вужудга келган вазиятни ўрганиб чиқсин ва йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсин. Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Кароматов), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази:

педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар, унда профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини ошириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги малака ошириш курслари, факультетлари, марказлари ва институтларининг моддий-техника ва ўқув-методик базаси аҳволини яхшилашни назарда тутсинлар;

касб-ҳунар коллежлари мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини жадаллаштирсинлар;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда нашр этилаётган ўқув адабиётларининг барча турлари «Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиётлари яратиш концепцияси» принципларига ва талабларига қатъий мувофиқ бўладиган тартибни ўрнатсинлар.

25. Мазкур протоколнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 18 июль.

Халқимизда «Боғни боқсанг, бол берур», деган ажойиб мақол бор. Бунинг маъносини Тошкент туманидаги А. Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги аъзолари яхши билишади. Боиси, мавжуд 194 гектар боғнинг ҳаммаси пудратчиларга бўлиб берилган. Ер эгасини топганлиги ўз самарасини бермоқда. Шартномага кўра пудратчилар қайта ишлаш корхоналарига 500 тонна олхўри, 200 тонна олма ва бошқа мевалар топшириши кўзда тутилган. Боғларда мўл жалдагидан ортиқ ҳосил бор. Ҳозир меваларни узиш бошлаб юборилган.

СУРАТДА: меҳнат фахрийси Раҳмонжон Каттабоев (чапда) ва бош пудратчи Расулжон Қурбонов пишиб етилган меваларни кўздан кечиришмоқда.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Қизиқ, агар Пифагордан тест олишганида ўқишга кира олармиди? Бу савол фақат бизга тааллуқли эмас. Улар мамлакат олий ўқув юртларида тест синовлари бошланиш арафасида газетхонларимизнинг кўпчилиги хаёлини эгаллаган.

1 август куни мамлакат олий ўқув юртлари аудиториялари неча юз минг абитуриентларни ўз бағрига қабул қилади. 3 соатлик меҳнатдан кейин ким нимага қобил эканлиги, кимлар янги ўқув йилида олий ўқув юртлари биринчи курси талабаси бўлади, деган масалаларга аниқлик киритилади. Хуллас, биз юқорида эслатган Пифагор тақдирига тааллуқли ва яна бошқа кўплаб саволлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Мухсин МУҲИДДИНОВ билан суҳбатимиз мавзусига айланди.

ТЕСТ — АДОЛАТ МЕЗОНИ

— Ҳурматли домла, тест — адолат мезони сифатида халқимиз онгидан мустаҳкам ўрин олган. Шунга қарамасдан, таҳририятимизга гоҳида бу ҳақиқатга ишонқирамайдиган оҳангдаги хатлар келиб туради. Сиз уларга қай йўсинда жавоб берган бўлардингиз?

— Тест синовининг адолат мезонига айланиши амалиётда ўз тасдиғини топди. Ўқишга қабул жараёнидан шахсий манфаатлари учун фойдаланишни кўзлаган одамларга бу катта тўсиқ эди. Шунинг учун юртимизда тест синовлари, Юртбошимизнинг махсус Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланганидек, адолат билан иқтидорли болаларни ўқишга қабул қилиш давлат сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлди. Тест синови таълимдаги демократия, яъни ўқитувчининг тазйиқи, унинг хоҳиши ва кайфиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда бола бемалол тестга ижодий ёндашиб, берилган саволларга тўғри жавобни излаб топиб, фикрлаб жавоб беришидир.

Тест синовлари республикадаги таълимнинг аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот беради. Фақат республика ёки вилоятлар бўйича эмас, ҳатто, ҳар бир аниқ мактаб, ўрта махсус таълим муассасасидаги аҳволни тест натижалари асосида бехато баҳолаш мумкин. Биз бугун республикадаги 9 минг ўрта таълим даргоҳларида қайси фандан ким яхши билимга эга — буни аниқ биламиз.

Тест болаларнинг ақлий ва ижодий салоҳиятини аниқ синовдан ўтказа олмайди, деган шубҳалар мутлақо асоссиз. Марказ жамғармасида 140 мингдан зиёд тест саволлари тўпланган. Уларнинг 70 фоизи мустақил тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган. Бу саволларга абитуриент бевосита, масалан, у ёки бу ёзувчининг ижодини аниқ билса ёки тарихий жараёнларнинг қонуниятларини чуқур тушунган бўлса, тўғри жавобларни бера олади.

Тест саволлари турли мураккаблик даражаларига эга. Жумладан, улар ижодий ёндашув ва мушоҳадакорликни, ўзига хос ва дадил фикрлашни, бир сўз билан айтганда, олимпиада даражасини талаб этади. Шу боисдан ҳам, бизнинг Тест марказимизга келгуси йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ўртасида турли фанлар бўйича олимпиадалар ўтказишни ташкил этиш вазифаси юкланди. Халқ таълими тизимидагилар тест синовларининг сифати ва холислигига ишончлари мустаҳкамланмоқда. Дарвоқе, Пифагор ҳақида. Ишончим комилки, у математикадан барча саволларни пистадай чақиб ташлаб, танловда энг юқори чўққини эгаллаган бўларди.

— Қишлоқ болалари тест синовларига тайёргарликларига кўра пойтахтимиз ёки йирик шаҳарлардаги тенгдошлари билан, назаримизда, беллаша олмайдилар. Чет қишлоқларда таълим шароити анча орқада эканлиги сир эмас. Хусусан, шу пайтгача компьютер рўпарасига ўтирмаган аксарият қишлоқ ёшларининг талаба бўла олиш имконияти анча чекланган. Газетхонларимизни ўйлантираётган масалалардан бири ана шундай. Сиз бу тўғрида қандай фикрдасиз?

— Бунга аниқ жавобларни топиш учун, яхшиси, маълумотларга мурожаат қилайлик. Улар эса қишлоқ болаларининг сўнгги тўрт йил мобайнида ўзларининг билимга интилишлари жиҳатидан шаҳарлик тенгдошларидан, аксинча, ўзиб кетаётганлигини исботлайди. Олий ўқув юртларига қабул пайтида қишлоқ ўқувчиларидан 2,5 баробар кўп ариза тушади. Шаҳарлик ўқувчиларга нисбатан айнан 2,5 баробар кўп ўқишга ҳам кирмоқдалар.

Долзарб мавзуда суҳбат

Ёки мана бу далилга қулоқ тутинг: Бухоро вилояти ўқувчилари, мана беш йилки, ўз билим савияларининг баланд лиги жиҳатидан республикада биринчи ўринни эгаллаб келишяпти. Бухоро вилояти педагоглари ҳам республикамизда ўтказилаётган турли танловларда ғолиб бўлиб келишяпти. Ҳатто Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги лицейда тамомлаганларнинг 98 фоизи талабаликка эришмоқдалар. Шунингдек, Хоразм вилоятидаги Хазорасп ва Шовот туманларини ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги Беруний ва Элликқалъа туманларининг кўпчилик ўқувчилари ҳар йили олий ўқув юртларига қабул қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистоннинг 23 та тумани Тест марказининг умумий компьютер тармоғига уланган. Уюштирилган компьютер синфларида юқори синф ўқувчилари тест саволлари асосида ўз билимларини текшириб кўришлари мумкин. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда қишлоқ ўқувчилари биология фани бўйича энг юксак билим даражаларини намойиш этмоқдалар.

Таққослаганимизда минтақашунослик йўналишида қишлоқ ўқувчилари тест синовларида ўртача 190 балли кўрсаткичларга эга бўлса, шаҳарлик ўқувчилар — ўртача 179 баллга эришмоқдалар. Қишлоқ болалари физика, химия фанларидан, шунингдек, халқаро туризм, иссиқлик энергетикаси, нефть-газ соҳаларида кучли билимни кўрсатсалар, шаҳар ўқувчилари иқтисодий фанлар ва чет тиллар соҳаларида пешқадам билимга эга.

— Мамлакатнинг бой ақлий салоҳияти тўғрисида тўпланган маълумотлар ҳаётда амалий аҳамиятга эга бўляптими? Улар Тест маркази томонидан чиқарилаётган китоблар ичида қолиб кетмаётгандир?

— Тўпланган барча маълумотлар таълим вазирликлари ҳамда вилоятлардаги таълим бошқармаларига тарқатилади. Бундан ташқари, марказимиз мактаб директорлари, ҳокимиятларнинг раҳбарларини таклиф этиб, йиғилишлар ўтказяпмиз. Бу суҳбатларда баъзан аччиқ ҳақиқатлар ҳам айтилади. Масалан, нега мактаб ўқувчисининг аттестатида баҳо жуда юқори, ҳатто аъло. Лекин бўла ўқувчи тест синовларида атиги 20 балл тўплаяпти? Бу ўринда нима кўзга ташланади? Кўзбўямачиликми ёки педагоглар савиясининг пастлигими? Нега бир тумандаги ёнма-ён икки мактабда ўқувчиларнинг билим савияси ҳар хил? Бу масалаларни биргаликда таҳлил этиб, зарур хулосалар чиқарилади.

Олдиндан бир хулосани айтишим мумкин: ўқувчида билимнинг пастлиги — ўқитувчи профессионал савиясининг етарли эмаслиги билан изоҳланади. Бизда ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ва факультетларида ҳам аҳволни тубдан яхшилаш керак. Ўқитувчилар малака оширишга келади, лекин бундан ҳаётида ва савиясида бирон ўзгариш бўлмайди. Масалан, физика фанини қанчалик ёмон билган бўлса, яна ўша савияда қолаверади. Мана шу боисдан ҳам, менимча, педагогика институтлари, университетларида малака ошириш институтлари ва факультетларида якуний тест синовини жорий этиш ўринли бўлади. Ахир тиббиёт институтларида жорий этилдику?! У ерда якуний тест синовидан ўта олмаган талабага диплом берилмайди. Бу эса касбни чуқур эгаллаш шартлигини кафолатлайди.

— Республика олий ўқув юртлари учун умумий бўлган ўтиш баллари жорий этилиши мумкинми? Ахир шундай бўляптики, айрим олий ўқув юртларида билимдон болалар конкурс юқори бўлганлиги учун ўқишга ўта олмай қолади. Шу билан бирга, айрим ўқув юртларида ўртамиёна балл тўпланса ҳам, абитуриентнинг қабул қилиниши учун етарли бўлади...

— Бу масалани ҳал этиш қийин эмас. Бунинг учун барча олий ўқув юртларининг бир хил йўналишлари учун ягона конкурс рўйхатини тузиб чиқиш керак бўлади. Шунда энг юқори балл тўплаганларга адолатли муносабатда олий ўқув юртларига тақсимлаш мумкин.

— Мавжуд тест синовлари тизимини янада такомиллаштиришга эҳтиёж сезилаяптими? Агар шундай бўлса, унинг қандай жиҳатлари такомиллаштирилиши ёки яхшиланиши мумкин?

— Ҳар қандай тизим каби тест синови тизими ҳам такомиллаштирилишга эҳтиёж сезади. Бизда, масалан, тест саволлари жамғармаси тўлдирилиб, унинг технологияси такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу тизим 1992 йилда мамлакатимиз Президентининг ғоялари асосида, ўқишга қабул жараёнини адолатли, демократик асосда ташкил этиш мақсадида жорий этилган. Агар иш бошида тест саволларининг битта варианти жорий этилган бўлса, ҳозирги кунда юзлаб вариантлардан фойдаланилмоқда:

1 июлдан бошлаб, бир ой мобайнида Тест маркази ёпиқ усулда иш олиб боради. Тест техникалари билан шуғулланадиган ходимлар ташқи дунёдан узиб қўйилади. Олий ўқув юртларининг қайсисида қайси абитуриентга қандай савол тушди, буни ҳатто улар ҳам билмайди. Барча ишларни автоматика бажаради. Жорий этилган технология асосида компьютернинг ўзи тегишли олий ўқув юрти ва унинг мутахассисликлари учун вариантларни танлайди. Маълумотларнинг четга чиқиб кетиши учун ҳеч бир шароит йўқ.

— Лекин олғир одамлар барибир қандайдир имконият топишга интилади. Уларнинг бундай уринишларидан ҳеч бир иш чиқмайди, деб ишонтира оласизми?

— Бугун тест савол-жавобларининг мутлақо махфийлиги таъминланган. «Айланма йўл» изловчиларнинг ўзлари қўлга тушиб қолишлари ҳам мумкин. Масалан, ўтган йилдан бошлаб компьютерларга имтиҳон топширувчининг исми-шарифи, паспорт кўрсаткичлари ва бошқа зарур маълумотлар киритила бошланди. Гап шундаки, айрим олий ўқув юртларида қабул пайтида ноқобил абитуриент ўрнига малакали талабаларнинг кириб чиқиши ҳам мумкинлиги аён бўлди. Лекин компьютер уларни энди ҳеч бир қийинчиликсиз аниқлайди ва фирибгарликлар фош этилади. Қўлга тушган талаба эса ўқишдан четлатилади. Компьютер аппаратлари ким қайси аудиторияда синовдан ўтаётганлигини «аниқ билади».

— Ҳозир репетиторлик авж олган. Ота-оналар ва абитуриентларнинг ўзлари тест саволларига тайёр жавобларни бера оладиган репетиторларни излаб юришади. Ҳар бир жавоб эса фалон пул. Тайёргарликнинг бу усули ҳақида қандай фикрласиз?

— Мавжуд тест саволларига жавоб тайёрлаб берадиган репетиторларга унчалик ишонмаслик керак. Мана, битта далил: бордию, тест саволларининг қўйилишига кичик бир ўзгариш киритилса, бас, репетиторнинг тайёрлаган жавоблари йўққа чиқади. Бунинг ўрнига, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълимнинг савиясини кўтариш устида ўйлаш керак. Фарзандларимиз мутолаани, ўз устида ишлашни, фанларни чуқур ўзлаштиришни ўзларига одат қилсалар, ҳар қандай тест саволларига аъло даражада жавоб бера оладиган бўладилар.

«Халқ сўзи» мухбири Муфтилла ЮСУПОВ суҳбатлашди.

31 август – Қатагон қурбонларини ёдга олиш куни

УЛАР беш оға-ини эди

Мен ҳикоя қилмоққа чоғланган воқеалар эртак эмас. Собиқ совет замонида диёримизда оталаримиз-боболаримиз бошидан ўтган кечмишлар...

Бундан ярим асрдан зиёд илгари, Зангиота томонда беш оға-ини бўлган. Уларнинг бутун авлод-аждоди кучларини ерга бериб, заминдан ризқ териб, эл қатори умргузаронлик қилишган. Оға-иниларнинг каттасининг исми Ҳошим, кейингиси Соип ва яна Қосими ҳам бўлган. Ака-укалар дейишса Занги ота атрофида Саритепадан Қора тепагача ва ундан ўтиб Янгийўлгача ҳамма таниркан. Уларнинг билимдонлиги, тадбиркорлиги меҳнатсеварлигига ёшу қари ҳавас қилган. Бироқ пайғамбар ёшига етган, каттаю кичик Ҳошим ота деб эъзозлаган оқсоқол 1941 йилнинг нақ узум пишиғида ҳеч кимнинг қулоғи эшитмаган айб тақаб ҳибсга олинади.

Эмишки, ризқини кетмон кўтариб топган Ҳошим Ашуров шўроларга қарши бош кўтариб, Ўзбекистонни Шўродан ажратиб олмоқчи бўлганмиш.

— Астағфурулло! — дея ёқа ушлашарди кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бу айбларни эшитган қишлоқ аҳли.

Лекин бало-қазо тоқ юрмайди дейишгани рост экан. Бу кўргиликлар ҳам ҳолва бўлиб қолди ўшанда. Орадан уч ой ўтмасдан — 1941 йилнинг октябрь ойида бориб Ҳошим Ашуровнинг инилари Қосим ва Соиплар ҳам ҳибсга олинади.

— Ҳеч кимнинг бошига солмасин бу кунни, солганга эса Аллоҳнинг ўзи тўзим берсин, — дейди бу бахту қароликдан хабар топган ҳамсоялар, ёр-жўралар.

Боқувчисидан айрилган хотин, бола-чақалари қақшаб қолишади. Зеро, бошланган урушнинг совуқ нафаси бутун юртни ўз сиртмоғига олиб, бир бурда нон анқога шафеъ бўлиб қолган эди. Шундай оғир замонда бу оға-иниларни шўрога қарши ташвиқот юритишда айблаган эканлар. Кейинчалик маълум бўлишича, терговчи: «Сиз Ўзбекистон Жиноят мажмуасининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси билан айбланасиз...» — дея Ҳошим Ашуровдан айбига иқрор бўлишни талаб қилган.

— Менга тақалаётган бу гуноҳларда ўзимни айбдор ҳисобламайман, — дея қатъиқ туриб олди банди.

Терговчи эса баланд келган:

— Терговда шуни англадики, сиз Шўрога қарши кайфиятда экансиз. Колхозчилар орасида шўрога қарши ташвиқот олиб боргансиз. Ўз хатти-ҳаракатингиз билан колхозда олиб борилаётган ишларга қаршилик кўрсатгансиз. Гуноҳингизга иқрор бўласизми?

— Йўқ, мен айбдор эмасман. Шўрога қарши ҳеч қандай ташвиқот олиб борган эмасман. Ҳеч ерда колхоз ишига тўсқинлик қилмаганман — жавоб қайтаради Ҳошим Ашуров.

Оға-инилар шу йўсин тергов қилиниб, айбни бўйниларига олмаганларига қарамай, Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг 58, 66, 67-моддалари билан айбланиб, Ашуров Ҳошим Олий жазога — отувга ҳамда мол-мулки давлат фойдасига мусодара этувга, Қосим Ашуров ўн йил муддатга қамоқ жазосига ҳамда уч йил ҳуқуқдан маҳрум этишга ҳукм этилади. Соип Ашуров эса Ўзбекистон Жиноят мажмуасининг 66 моддаси 1 қисми ва 67 моддасига кўра ўн йил қамоқ жазосига ва уч йил ҳуқуқдан маҳрум қилинган.

Бу фожеали қисматдош оға-иниларнинг тақдирини ким билан якунланди, у ҳақда ҳужжатларда ломмим дейилмайди. Ва яна битикларда кўрсатилган, ҳибсга олинмай қолган икки уканинг: Мамаюсуп ва Эргашнинг ҳоли не кечди? Буни ҳам билолмадик. Қамалиб кетган Ҳошим Ашуровнинг Қўчқор, Зокир, Тожибой деган фарзандлари, Соип Ашуровнинг Тўхта, Унсин, Туроб, Турсин, Гулсум деган ўғил-қизлари қандоқ умргузаронлик қилишди экан? Қамалиб кетган Қосим Ашуров ҳам жўжабирдай жон эди. Унинг хотини Ойжамол, Гулжамол, Йўлдош, Ҳуржамолларга ҳам ота, ҳам она бўлиш азобига дош беролдимикан?

Орадан олтмиш йил ўтибди. Бу йиллар ичида отаси жазога маҳкум этилиб кетган оға-ининг фарзандлари ўсиб, ўзлари ота-она бўлиб кетишгани, ўзидан кўпайгани табиий. Бу орада оға-инилар яшаган заминда мустақиллик эълон қилинди. Уч оға-ининг иши ҳам қайта кўрилиб, ҳақиқат қарор топди: Ўзбекистон Республикаси Олий суди президиумининг 1992 йил 28 февраль қарорига кўра, Тошкент вилоят судининг 1941 йил 10 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Судининг 1941 йил 23 октябрида Ҳошим Ашуров, Соип Ашуров ҳамда Қосим Ашуровлар устидан чиқарилган ҳукм улар ҳаракатида жиноят бўлмаганлиги туфайли бекор қилинди.

Адолатнинг бу зайл амалга ошиши Мустақиллик туфайли эди.

Бундай жабрдийдалар ўзи қанча бўлган? Бу саволга жавоб топиш қийин...

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Европа қитъасидан кейин Африкадаги давлатлар ҳам бирлашиш йўлини танладилар. Яқинда Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Африка қитъасидаги 52 давлат раҳбари Африка Иттифоқи(АИ) тузилганлигини эълон қилди. Ягона Панафрика парламенти, Валюта жамғармаси, Африка тараққиёт банкини таъсис этишга келишиб олинди. Кейинчалик ягона пул бирлигига ўтиш кўзда тутилган. Давлат раҳбарлари Кенгаши Иттифоқнинг олий органи бўлса, ташқи ишлар вазирлари Кенгаши ижроия органи вазифасини бажаради. Жанубий Африка Республикасининг президенти Табо Мбеки Иттифоқнинг илк раиси этиб сайланди. Эфиопиянинг пойтахти Аддис Абеба шаҳри эса Иттифоқ қароргоҳи бўлади.

Аслида Африка давлатларини бирлаштириш ғояси янгилик эмас. 1960 йилда Конго миллий раҳбари Патрис Лумумба ва мустақил Гана давлати асосчиси Кваме Нкрума ана шундай иттифоқ ҳақидаги битимга имзо чеккан эдилар. Аммо иккала давлатда ҳам рўй берган тўнтаришлар режанинг амалга ошишига тўсқинлик қилди. Орадан кўп ўтмай Африка қитъасидаги яна кўплаб давлатлар мустамлака занжирларидан халос бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтдилар. 1963 йили Африка Бирлиги Ташкилоти тузилди. Қитъа халқлари ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлаш, давлатлар мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий бутунлигини ҳимоя қилиш, мустамлакачиликнинг барча кўринишларини бартараф этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун кураш асосий вазифа қилиб белгиланган эди.

Ўтган 40 йилга яқин вақт ичида бу ташкилот катта обрў қозонди. Қитъадаги ўнлаб низоларни бартараф этиш, очлик ва қашшоқликка қарши курашда ижобий роль ўйнади. Аммо ҳозирги глобаллашув жараёни, ўзаро тижорий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий юксалишни таъминлаш муаммоси қитъа давлатларининг янада яхлитроқ иттифоққа бирлашишларини тақозо этмоқда. Бу сафар Ливия раҳбари Муаммар Каддафи ташаббус билан чиқди. Ўтган йили унинг таклифи билан тўпланган Африка Бирлиги Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Европа Иттифоқига ўхшаш (Каддафи таклифига кўра Африка Қўшма Штатлари) бир уюшма тузишга келишдилар. Аммо келишув кучга кириши учун бу ҳақдаги битим аъзо давлатлар парламентларининг учдан икки қисми томонидан ратификация қилиниши керак эди. Ўтган бир йил мобайнида кутилган натижага эришилди. Ҳозирча фақат Марокаш қироллигигина Иттифоққа кирмаслигини билдирди.

Табиийки, Африкада Европа Иттифоқидагидек бирликка эришиш осон эмас. Қитъадаги ҳудудий ва миллий-этник низолар тез-тез қонли тўқнашувларга сабаб бўлади. Эфиопия ва Эритрея ўртасидаги қонли можаро яқиндагина барҳам топди. Конго Демократик республикаси, Сьерра-Леоне, Кот –д" Ивуар, Гвинея, Либерия, Бурунди каби давлатларда ҳам ички низолар тугатилгани йўқ. Кения, Зимбабве, Судан, Сомали, Ангола, Руандада қабилавий ва мазҳабий заминдаги тўқнашувлар бўлиб турибди.

Африкадаги муаммоларнинг замирида очлик ва СПИД касаллигига қарши кураш масаласи бор. Зеро, дунёдаги энг фақир мамлакатлар шу қитъада. СПИД эса тез суръатлар билан ёйилиб, минглаб одамларнинг ёстиғини қуритмоқда. Бу икки офатга қарши самарали кураш олиб бориш, иқтисодиётни жонлантириш учун халқаро ҳамкорлик, чет эл инвестициялари зарур. Африка Иттифоқини ташкил этишдан мақсад ҳам муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, бу борада кучларни бирлаштиришдир.

Африка қитъаси бой иқтисодий ресурсларга ва табиий захираларга эга. Бу ерда олтин, олмос, нефть, турли минерал конлари, қимматбаҳо ёғоч, какао, кофе, чой плантациялари мавжуд. Бундай имкониятлар ва арзон ишчи кучи Ғарб давлатлари эътиборини жалб этиб келмоқда. Ҳозирги пайтда кўплаб хорижий компания ва фирмалар Африка давлатларида самарали иш олиб бораяпти. Қитъада Жанубий Африка Республикаси сингари юксак тараққиётга эришган давлатлар бор.

Ўзбекистон Республикаси кўпгина Африка давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Уларнинг бир қанчаси мамлакатимизда ўз элчихоналарига эга. Янги Иттифоқнинг ташкил этилиши қитъа муаммоларини ҳал қилишни осонлаштириш билан бирга халқаро муносабатларни, шу жумладан, Ўзбекистон билан ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Н. САФОЕВ.

Шарҳловчи минбари

БИРЛАШАЁТГАН АФРИКА

Қурғоқчилик муаммо туғдирмоқда

Ҳиндистоннинг шимолий штатларида қурғоқчилик бошланган. Бунга муссон ёмғирларининг кечикиши сабаб бўлмоқда. Қурғоқчилик ўша ҳудудларда яшовчи деҳқонлар учун катта муаммолар туғдирмоқда. Шунингдек, у мамлакат иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

«Lycos.ru»

«Украина» шахтасида осойишталик

Ўт ўчирувчилар "Украина" шахтасида бир неча кундан буён давом этаётган ёнғинни батамом ўчиришга муваффақ бўлишган. Шу йилнинг 7 июлида содир бўлган ушбу ёнғин 35 шахтёрнинг ҳаётига зомин бўлди. Ёнғинни ўчириш штаби тарқатган маълумотларга кўра, айни пайтда қутқарувчилар шахта ва унинг атрофини назорат қилиб туришибди.

«ИТАР-ТАСС»

110 миллион ёшли динозавр

Бразилиялик палеонтологлар динозаврларнинг янги — птерозавр турини топишган. Рио-де-Жанейродаги докторлар Александр Келлнер ва Диогенеш де Алмейда Компошлар илм аҳлига қазилма ишлари давомида топилган динозавр суякларини намойиш этишди.

Олимлар айтишича, шу пайтгача номаълум бўлган ушбу динозаврлар Америка қитъасида 110 миллион йил аввал яшаган. Унинг узунлиги 1,8 метр бўлиб, қанотлари кенглиги 4,5 метрни ташкил қилган.

«Рейтер»

Шрёдер Струкни маъқул топди

Германия мудофаа вазири Рудольф Шарпинг ўз лавозимини тарк этган. Берлинда ўтказилган матбуот анжуманида мамлакат канцлери Герхард Шрёдер ушбу лавозимга Петер Струк тайинланишини маълум қилди.

«Рейтер»

Вазирлар ишонч билдиришди

Вашингтонда АҚШ президенти Жорж Буш ва давлат котиби Колин Пауэллнинг Саудия Арабистони, Иордания ва Миср ташқи ишлар вазирлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг, араб давлатларининг ташқи ишлар вазирлари Яқин Шарқда тинчликка эришиш мумкин эканлигига ишонч билдиришган.

«Би-Би-Си»

Парламент муддатидан аввал чақирилади

Туркия парламенти раиси қонун чиқарувчи органнинг муддатидан аввал, яъни 22 июлда чақирилишини эълон қилган. Хабарларга қараганда, бунга мамлакат бошқарув коалиция таркибига кирувчи партияларнинг муддатидан илгари сайловлар ўтказиш ҳақидаги қарори сабаб бўлган.

«Рейтер»

Картахендаги қўпорувчилик

Колумбиянинг Картахен шаҳридаги ишчилар яшовчи даҳаларидан бирида кучли портлаш юз берган. Унинг оқибатида 6 киши оламдан кўз юмган, 10 киши тан жароҳати олган, 8 та бино қаттиқ шикастланган.

Мутахассислар портлатувчи моддани вазни тахминан 30 килограмм тротил эквивалентига тенг бўлганлигини таъкидламоқда.

ИД «Коммерсант»

«Marcos» – замонавий спорт автомобили

"Goodwood" спорт автомобиллари фестивалида "Marcos Marcasite TS250" биринчи бор намойиш этилди.

Унинг яратувчиларидан бири Жем Маршнинг айтишича, ушбу спорт автомобили ўзида ретро дизайн ва XXI аср технологияларини мужассамлаштирган. Шу боис кўпчиликда қизиқиш уйғотаяпти.

«Автоновости. ru»

Орол ҳақида сўз

Маълумки, Орол фожиаси бутун дунё ҳамжамияти эътиборида турибди. Минтақада иқлим ўзгаришлари, тупроқнинг шўрланиши ва тоза ичимлик сувининг танқислиги тезкор чоралар кўришни тақозо этади.

«Экосан» халқаро жамғармасида куни кеча бўлиб ўтган матбуот анжумани, Орол денгизи сув ҳавзаларидан бугунги кун долзарб талабларидан келиб чиққан ҳолда комплекс фойдаланиш масалаларига бағишланди. Унда жамғарма раҳбарияти Россия Федерациясининг сув масалалари бўйича мутахассислари билан учрашув ва июнь ойида АҚШнинг Филадельфия шаҳридаги Фраклин институтида бўлиб ўтган «Амударё ҳавзаси иқлим, сув ва ривожланиш масалалари»га бағишланган халқаро мулоқот натижалари ҳақида гапириб бердилар.

Муниса АБДУРАҲМОНОВА.

Саховатпеша фермер

Аъзамжон фермернинг номи Қўқон депарасида яхши маълум. У фермер хўжалиги ҳудудида, Яйпан-Қўқон автомагистралининг шундоқ ёқасида хусусий ошхона, чойхона, сартарошхона ташкил этди. Яқинда эса ҳаммом ишга туширилди.

Сулаймон қишлоғидаги 30 нафардан зиёд кўпни кўрган қариялар ушбу хизмат муассасаларининг доимий мижозлари ҳисобланади. Фермернинг ҳиммати билан уларга йил давомида бепул хизмат кўрсатиладиган бўлди. Бундан ташқари фермер А. Маҳмудов 6 нафар ногирон қарияни озиқ-овқат, дори-дармонлар билан ўз вақтида таъминламоқда.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таълимда янгилик

Иқтидорли ўқувчилар ёзги мактаби

Жиззах вилояти таълим, маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги дастурида кўзда тутилган бундай мактабларнинг дастлабкиси Уобсой қишлоғида жойлашган Бобур номли оромгоҳда ўз фаолиятини бошлади. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган 200 нафар иқтидорли ўғил-қизларга физика, кимё, математика, иқтисодиёт ҳамда биология фанларидан сабоқ берилади. Болалар турли спорт мусобақаларида, оммавий-маданий тадбирларда иштирок этишади.

«Иқтидорли ўқувчилар ёзги мактаби»ни ташкил этишдан асосий мақсад ёшларни республика ва халқаро олимпиадаларга пухта тайёрлашдир.

Оромгоҳда ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2002 йил 1 июлдан 15 июлгача бўлган маълумот):

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 8 июлдаги 14/7-сон қарори.*

2002 йил 8 июлда 1156-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 18 июлдан кучга киради).

2. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинадиган рўйхатдан ўтказиш йиғими суммаларини маҳаллий бюджетларга ўтказиш ва ушбу суммаларнинг бир қисмидан туман, шаҳар ҳокимиятлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларини таъминлаш учун фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 4 июлдаги 77-сон буйруғи.*

2002 йил 9 июлда 1157-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 19 июлдан кучга киради).

3. «Корпоратив облигацияларни чиқариш, рўйхатга олиш ва қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2002 йил 7 июлдаги 2002-10-сон буйруғи.*

2002 йил 10 июлда 1158-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 20 июлдан кучга киради).

4. «Акциядорлик жамиятларининг акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва сўндириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2002 йил 7 июлдаги 2002-11-сон буйруғи.*

2002 йил 10 июлда 1159-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 20 июлдан кучга киради).

5. «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 26 июлдаги 70, 11/2002-сон қарори.*

2002 йил 11 июлда 1160-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 21 июлдан кучга киради).

6. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларини амалга ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиш ҳамда уларнинг мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 26 июндаги 71-сон буйруғи.*

2002 йил 11 июлда 1161-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 21 июлдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Тижорат банклари маблағларини ички активларга жойлаштириш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган (2002 йил 14 майда 1139-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Адлия вазирининг 2002 йил 10 июлдаги 102-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (1998 йил 10 июлда 453-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Адлия вазирининг 2002 йил 10 июлдаги 104-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

3. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашни молиялаштириш тартиби ва 1-сонли ўзгартириш. *ЎзР Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган (1996 йил 24 декабрда 294-сон, 1997 йил 6 февралда 294-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Адлия вазирининг 2002 йил 11 июлдаги 105-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

4. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларини амалга ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиш ҳамда уларнинг мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ва 1-сонли ўзгартиришлар. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1994 йил 31 августда 95-сон, 1996 йил 12 апрелда 95-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Адлия вазирининг 2002 йил 11 июлдаги 106-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *«Ўздавэнергоназорат» агентлигининг буйруғи.*

2. «Электр қозонлар ва бошқа электр қизитиш ускуналарининг қўлланишини келишиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *«Ўздавэнергоназорат» агентлигининг буйруғи.*

3. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори.*

4. «Ўзбекистон Республикасида товар белгисини умум эътироф этилган деб тан олиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.*

5. «Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш ва топшириш қоидалари ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.*

6. «Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.*

7. «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.*

8. «Заҳарли дориларни сақлаш, бериш, сотиш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи.*

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонига мувофиқ божхона расмийлаштируви учун йиғимдан ташқари 2006 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод қилинган товарлар рўйхати. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

10. «Ишсиз фуқароларни, шунингдек меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимларида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган шахсларни ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.*

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага қўшимча. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ва улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича йўриқнома. *ЎзР ИИВ томонидан тасдиқланган.*

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисида Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.*

3. «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижросини молия органларида бажарилишининг бухгалтерлик ҳисоби бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

4. «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларида кўзда тутилган режали йиллик даромадлар ва ҳаражатлар ҳажмларининг чораклик тақсимотини тузиш, бюджетни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш, бюджетда кўрсатилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

5. «Молия бозорлари иштирокчилари бўлган банклар томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори.*

6. Таълим муассасаларида стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори.*

7. «Етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган тўлиқ давлат таъминотидаги болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори.*

8. «Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни дарслик тўплами билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори.*

9. «Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни бепул қишки кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори.*

10. «Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори.*

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.
Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Сизга шеър айтгим келди

Охунжон ХАКИМ

Агар ўғлон бўлсанг...

Истиқлолинг буюк неъмат, юртдошим,
Асли у жондан ҳам қиммат, юртдошим,
Унинг байроғин қароғингдек бил,
Муҳаммадга бўлсанг уммат, юртдошим!
Ўғлон бўлсанг агар, юртинг учун бўл,
Қурбон бўлсанг агар, юртинг учун бўл!

Боғларимга зоғлар қўнмасин дея,
Истиқлолим шами сўнмасин дея,
Қулликдан қутилган юртимда қайта
Истибдод уруғи унмасин дея
Агар гирён бўлсанг, юртинг учун бўл,
Агар қурбон бўлсанг, юртинг учун бўл!

Билсанг, Тўмарислар, Мангубердилар,
Муқаннолар сену мендек эрдилар.
Ётлар топтамасин тупроғимни деб,
Ўту оташларга тикка кирдилар!
Сен-да посбон бўлсанг, юртинг учун бўл,
Агар қурбон бўлсанг, юртинг учун бўл!

Кимнинг йўли бўлса Ватандан айро,
Бошига ёғилгай минг бир хил бало.
Бундай қаро кунни, қаро қисматни
Эгам бандасига кўрмасин раво!
Агар осмон бўлсанг, Ватан учун бўл,
Агар қурбон бўлсанг, Ватан учун бўл!

Юртингга омонлик тила Оллодан
Ва асра ёмон кўз янглиғ балодан.
Отанг шу Ватандир, Онанг шу Ватан,
Уни кам кўрмагил Маккатиллодан!
Агар арслон бўлсанг, Ватан учун бўл,
Агар қурбон бўлсанг, Ватан учун бўл!

Аёллар

Ўзи гул, бардоши метин аёллар,
Қуш тинса тинмаган, бетин аёллар,
Бошларига бало ёғилганда ҳам,
Эрлардек собиту бутун аёллар.
Қоялардек буюк бардошлари бор,
Қалбларин қаърида қуёшлари бор!

Аёлдан бошланур асли ҳаёт ҳам,
У билан эгиздир мардлик, сабот ҳам.
У шундай мўъжиза, шундай хилқатким,
Пойига қурилур қасру работ ҳам,
Агар сизни этсак талқин, аёллар,
Ёнар қалбингизда ёлқин, аёллар!

Уни хор қилганнинг хор бўлгани рост,
Уни бор қилганнинг бор бўлгани рост,
Уни кифти узра олиб юрганлар
Эл аро лочину сор бўлгани рост.
Гарчанд тоғдай буюк бардошлари бор,
Болишларга томган кўз ёшлари бор...

Қисмат аёл зотин ночор этмасин,
Қайси бир номардга дучор этмасин,
Мунглиғ атамишлар уни боболар,
Гулдай кўнгилларга озор етмасин,
Гарчанд қоя каби бардошлари бор,
Киприклари учида кўз ёшлари бор.

Сочлари ерларни супуриб юрсин,
Кўзларида ёшлик уфуриб турсин,
Унга жон-жаҳоним бахшида дея,
Шунқори бошида чарх уриб турсин.
Дунё роҳатларин кўрсин аёллар,
Давру давронларин сурсин аёллар!

Лаҳза



Дўппи кийган бошингиз омон бўлсин!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) сурат лавҳаси.

Андижон вилоятида кутубхона ходимлари уюшмаси ташкил этилди.

Янги уюшма

Уни ташкил этишдан мақсад кутубхона ходимларининг касбий маҳорати, ҳуқуқий, иқтисодий билимларини оширишдан иборатдир. Шунингдек, кутубхоналарни техникавий таъминлаш, бунинг учун хорижий жамғармалар маблағларини жалб этиш, аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Уюшма раиси О. Охунжонованинг таъкидлашича, муассаса нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, кутубхоначиларнинг куч ва имкониятларини бирлаштиришни кўзда тутади. Шунингдек, ташкилот кутубхоначилик ишини ривожлантириш, китоблар жамғармасини янада тўлдириш ва техник жиҳозлар билан таъминланиш даражасини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратаётир.

«Туркистон-пресс».

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — М. ЮСУПОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6

ҲИКМАТ

Қариларнинг хизматига боғла бел,
Кўрсанг ўзингдан кичикни раҳм қил.

СОЗЛАР НАМОЙИШИ

Биз кўпинча яхши бир куйни эшитганимизда, созанданинг маҳоратига тан берамиз, шундай куйни яратган бастакор истеъдодига таҳсин ўқиймиз. Лекин созанда чалган созни ясаган уста ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, деган нақл ҳам бекорга айтилмаган, ахир.

Маънавияти юксак халқимиз орасида миллий чолғу асбобларини ясовчи моҳир усталар кўп. Улар тарихи узоқ асрларга бориб тақалган, ғоят машаққатли ва нозик иш ҳисобланган созгарлик ҳунарини маҳорат билан давом эттириб, ривожлантириб келишмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг Республика халқ амалий санъати музейида Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий услубият маркази «Ҳунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб, «Янграр созим» номли кўргазма ташкил этди. Мазкур кўргазмада шу бугунги кунда республикада ижод қилаётган созгар усталарнинг ижодий ишлари намойиш этилди.

Кўргазманинг очилиши олдидан халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази раҳбарининг ўринбосари Ў. Тоҳиров, музей директори, санъатшунос олим Д. Дўстаев, «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Н. Облақулов, созгар усталар Т. Зуфаров, Р. Хўжахонов сўзга чиқиб, созгарликнинг ўтмиши, бугуни ҳамда ривожи ҳақида фикрлар билдиришди.

А. Абдуғафуров, Ҳ. Имомов, М. Ашимов, А. Алимов, Л. Исмоилов каби қатор қўли гул усталар томонидан яратилган халқ чолғу асбоблари кўргазма қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Айниқса, марҳум усталар Ҳусан Зокиров, Усмон Зуфаров яратган дутор, танбур, ғижжаклар ўзининг ташқи кўриниши, бежиримлиги, ғоят мукаммаллиги билан иштирокчиларни ҳайратга солди.

Кўргазмага яна республика рассомлик коллежи талабаларининг энг сара ишлари ҳам қўйилган бўлиб, бу бугунги кунда созгарлик ҳунари ишончли қўлларда эканлигидан далолат бериб турибди.

Туроб НИЁЗ.

Суратни Қосимжон ҲАСАНОВ олган.

Тиббиётимиз заҳматкашлари

Илм йўлига тушган одам денгиз тубидан гавҳар терувчи ғаввосга ўхшайди. Қанча шўнғиса шунча кўпроқ гавҳар теради, хазинанинг эса охири кўринмайди.

Бугун Ҳотам Нишонов илм уммонида йиққан гавҳарларига бир разм солса, эҳ-ҳе... анчагина. Қирқ ёшида тиббиёт фанлари доктори бўлибди, юздан ортиқ илмий мақола, ўнта методик қўлланма, олтита ихтиро, саккизта рационализаторлик таклифлари муаллифи. Энг муҳими, қўлида сиҳат топиб қувонгандан кўз ёшларини тия олмаган одамларнинг миннатдорлик сўзлари. Гавҳарларнинг энг тозаси, асли шу. Инсон илмга машаққат билан, қора меҳнат билан эришади. Боз устига, кўнгилда илмга муҳаббат, албатта, бўлиши керак. Ана шу мубталолик, шайдолик ўз ишини қилади. Ҳар қалай, Ҳотам Нишоновнинг фалсафаси шундай. Мактабда аълога ўқиди. Самарқанд давлат медицина институтининг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тугаллади.

ҲОТАМ ШИФОКОРНИНГ ГАВҲАРЛАРИ

Ўтириб-ўтириб ўзига савол беради: умр бўйи илм оламида яшаб келади, излайди, қидиради, инсон танасини томир-томиригача ўрганади. Борган сари билмаганлари кўпдек туюлаверади, сирлар салтанати домига тортаверади. Мақсад нима эди? Юксак илмий даражами, шон-шуҳратми? Булар бари бор, Унда нега юрак безовта? Нега кўнгилда ҳаловат йўқ. Нега хотиржам эмас?

«Отангга тортгансан» дер эди агар яқинларига кўнгил ёрганида. Отаси Нишон Турсунов оддий, содда деҳқон эди. Барчага бирдай яхшилик соғинарди. Ҳожатбарор эди. Шон-шуҳрат, мартаба, мансабга орзумандлик мутлақо ёт эди у инсонга. «Қўлингдан келса яхшилик қил, яхшилик қилолмасанг ёмонликдан тийил» деган ҳикматни яхши кўрарди. Бошида ташвиши бор одам билан то уни енгиллатмагунча ҳамдард эди.

Ўша ҳамдардлик ўғлининг юрагига мерос бўлиб кўчган. Энди у қўлида жарроҳлик тиғи билан дардни юлиб олади. Киприкдаги ёшдай қалқиб турган жон учун жон қуйдиради.

Роҳатнинг энг ширини машаққатли меҳнатдан тер тўкиш экан. Инсоннинг ҳаёт шомини қайта олов олдириб, пешонасида реза-реза тер билан операция хонасидан чиққан жарроҳни кўз олдингизга бир келтиринг. Беморнинг илҳақ қариндошларига «Ҳаммаси яхши» деган сўзни айтганидаги ҳолатини тасаввур қилинг. Шу ҳолатда у бемор учун шифокор эмас, сиғинадиган зотга айланади. Бундай риштани боғлаган ҳам илм, меҳнат, тажриба ва одамийликдир. Бунгача бўлган сўқмоқларда эса аспирантлик йиллари, жарроҳлик илмий-текшириш институтида профессор Вадим Помелов ва Шавкат Каримов раҳбарлигида номзодликни ёқлаш, сўнгра эса докторлик ишлари ётади. Меҳнат фаолиятини 1975 йили бошлаган бўлса, ташкилотчилиги, тиниб-тинчимаслиги бўлдими, етти йил фавқулодда вазиятларда республика тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази директори, сўнгра давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директор муовини вазифаларида ишлади. 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош жарроҳи. Ўша йилдан Россия эндохирурглар ассоциацияси аъзоси. Айни пайтда эса давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали директори.

Ҳотам аканинг барча илмий ишлари, изланишлари асосан жигар, ўт йўллари, ошқозоности бези, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак касалликларининг диагностикаси ва уларни даволашга йўналтирилган.

Илм кишиси ҳеч қачон тиним билмас экан. 1995 йилдан бери Ҳотам ака жарроҳликда янги технология — эндожарроҳлик усулини клиникада кенг қўллаш борасида иш олиб боряпти.

Гулни ғунчасиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, яхши инсонларни шогирдсиз кўриш қийин. Ўткир жарроҳлар Ғуломжон Саидбеков, Ваҳобжон Исҳоқовлар Ҳотам аканинг «қўлини олган»лардан. Яна тўрт нафар шогирди илмий изланишлар олиб бораяпти.

Ҳотам аканинг ажойиб оила фарзанди эканлигини айтиб ўтдик. У кишининг ўзи ҳам ибратли оила раҳбари. Бутун умр муаллимлик қилиб, оилага ойдин нурини сочиб келаётган рафиқаси Ўғилой аянинг меҳр тафти, фарзандларининг қувончлари Ҳотам акага ҳамиша тиргак.

Маматқул БОЗОРБОЕВ, Гулистон шаҳри.

Бир болага етти маҳалла ота-она

ВАСВАСАГА УЧМАДИ

Ўшанда мен энди 17 ёшга кирган Илҳомжонни — мўйлови сабза ура бошлаган ўсмирни кўзларини киртайган, кайфияти паришон ҳолатда кўрдим. Қовоғи солиқ, гаплари кўрсроқ эди. Бу унинг ахлоқ тузатиш муассасидан қайтиб келган кунлари эди.

Гапларидан билдимки, яна шундай нозик ҳолатда шайтон уни васвасага солмоқчи бўлган. «Сен Илҳом Ортиқович Суюнов эмассан сен ёлғиз Илҳомсан. Отанг ота бўлганда эди, сен тирик сағир бўлиб, етти ёшингдан интернатга тушмасдинг. Онанг она бўлганида эди, ҳаёт бошингни айлантирган кунлари сенинг ҳолингдан хабар оларди. Сен — ёлғизсан. Сен — судлангансан. Ҳамма энди сендан қочади. Ҳатто ота-онанг ҳам. Яхшиси, яна зонага қайтиб кетавер», деган.

Бола-да, бу васвасалар уни ром қилгандай бўлди. «Ота-онамнинг уйларига (улар алоҳида-алоҳида яшашади) оёғим тортмади. Кўчадан кўра козёнкада қоларсам, бўлмасмиди», деган гаплар хаёлига урилди. Лекин Худонинг ўзи инсоф берди Илҳомжонга. Шўрчи туман ижтимоий кўниктириш марказига, воя етмаганлар билан ишлаш туман бўлимига келди.

Бу муассасаларнинг нозирлари Илҳомжонни туман ҳокимининг муовини Турсун Маматхонов ҳузурига бошлаб келди. Маматхонов Илҳомжоннинг отаси яшайдиган маҳалла раисини топтирди.

Казо-казо одамлар ўртага олиб, чор тарафдан саволга тутишганда, катта ҳаёт тегирмонининг аччиқ новларига тушиб чиққан, дийдаси қаттиқлашган, унча-мунча ҳиссиётларга берилмайдиган Илҳомжоннинг ўпкаси тўлиб кетди. «Мен, Илҳом Ортиқович, ортиқчаман бу ҳаётга. Менинг устимдан кулманглар. Ташвиш тортманглар. Биламан, ёрдамларинг тегмайди», деди.

Ўшанда, минг қилсаям, аёл — онада, маҳалла фуқаролари йиғини раиси Гули Турдиеванинг овози товланди. Бўғзига не бир алам ё армон тиқилгандай бўлди. Тасаввур қиламан: Гули опа Илҳомжон билан ёлғиз суҳбатлашганида, болажоним деб уни бағрига босармиди. «Дардингни олайин, ўксимагин», деб тасалли берармиди. «Отангу онангга ишонмайдиган бўлсанг, бизникига борасан. Фарзандимиз бўласан», деб уйига етаклармиди.

Гули опа бугунги муҳокамада ҳам ташаббусни қўлига олди. Илҳомжонни отасиникига бошлаб борди. «Агар, Илҳомжонни биров хафа қилса, ўзидан кўрсин. Мен қараб турмайман», деди...

Яқинда туман ҳокими муовинига ўша баҳс тафсилотини эслатдим.

— Э, Илҳомжонми, — деди Маматхонов димоғи чоғ бўлиб. — Ҳозир отасидан дурадгорликни ўрганаяпти. Фермер хўжалигида ишлаяпти. Кайфияти чоғ. Уйланса, бизни тўйига чорламоқчи экан. Насиб этса, бирга борармиз...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САВОЛ БИЗДАН...

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
Чирчиқ дарёси.

«Хоразм қовунига тенг келадигани дунёда йўқ. Бухоро қовуни бундан мустасно, ундан кейин Исфаҳон қовуни туради». Бу сатрларни нечанчи асрда ким ёзиб қолдирган?

136-35-60

Меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси жамоаси собиқ Тошкент шаҳар бош меъмори, Ўзбекистон Республикаси Халқ меъмори
Собир Раҳимович ОДИЛОВнинг
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат аграр университети ректорати ва жамоаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Оразмамат Қаландаровга падари бузруквори
Қаландар ота БОЙНАЗАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти жамоаси нашриёт директори Дилбар Икромовага опаси
София БЎРИХОНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.